ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

САЙФУЛЛАЕВ АНВАР ИСЛАМОВИЧ

ПРЕДЛОГ ВА КЎМАКЧИЛАРНИНГ НОМИНАТИВ-СИНТАГМАТИК ВА ТИПОЛОГИК СТРУКТУРАВИЙ МАҚОМИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК: 811.111'367.633
811.512.133'367.633

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological sciences

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Сайфуллаев Анвар Исламович
Предлог ва кўмакчиларнинг номинатив-синтагматик ва типологик структуравий мақоми (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида) 3

Sayfullaev Anvar Islamovich
Nominative-syntagmatic and typological structural status of preposition and postpositional words (on the materials of English and Uzbek) 25

Сайфуллаев Анвар Исламович
Номинативно-синтагматический и типологический структурный статус предлогов и послелогов (на материале английских и узбекских языках) 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 49

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

САЙФУЛЛАЕВ АНВАР ИСЛАМОВИЧ

ПРЕДЛОГ ВА КЎМАКЧИЛАРНИНГ НОМИНАТИВ-СИНТАГМАТИК ВА ТИПОЛОГИК СТРУКТУРАВИЙ МАҚОМИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fil 76 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) веб-саҳифанинг http://www.tashgtv.uz/ ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Сирожиддинов Шуҳрат Самариддинович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Сафарова Шаҳрибер Сафаровна**
филология фанлари доктори, профессор

Қамбаров Носир Мансурович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий Университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.2.191 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «27» Март соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (+99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (+99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2019 йил «11» Март куни тарқатилди.
(2019 йил «11» Март даги 9 рақамли реестр баённомаси).

А.М. Машнова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

К.П.Содиқов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., профессор

Г.Х.Бокиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигининг структур-функционал босқичида асосий эътибор тилни тизимли ўрганишга қаратилган. Инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчиларини функционал семантик жиҳатдан таҳлил доирасига тортиш ва уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш бугунги кун учун долзарб масалалардан бири сифатида илмий-амалий аҳамият касб этади. Бугунги кунда ўзбек тилини жаҳон тиллари, хусусан инглиз тили билан киёсий ўрганиш она тилимизнинг жаҳон тилшунослигида илмий эътиборга молик манба сифатида жозибадорлигини оширади. Хорижий тилларни ўрганиш, ўзбек тилининг мавқеини жаҳоннинг энг ривожланган тиллари даражасига кўтариш муҳим масала сифатида кун тартибига кўтарилган паллада типологик таҳлилларда алоҳида ўрин тутадиган бошқа грамматик ҳодисалар қаторида инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчиларининг номинатив-синтагматик мавқеи ҳамда типологик структур мақомини аниқлаш долзарбдир.

Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда матн лингвистикаси, таржимашунослик ва луғатлар тадқиқоти замонавий андозалар асосида такомиллашмоқда. Жумладан, инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчиларини семантик ва грамматик жиҳатдан таҳлил қилиш; уларнинг матндаги номинатив-синтагматик мавқеи ва типологик структур мақомини белгилаш ҳамда функционал-семантик чоғиштириш; семантик, структуравий ва типологик жиҳатдан турли тизимли тилларда тилнинг индивидуаллиги ва тиллар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш каби устувор йўналишларда тадқиқотларга эҳтиёж тугилмоқда.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ўзбек миллий моделига мос келувчи таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг замонавий талаблар даражасидаги асосий тамойиллари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинмоқда. Чет тилларни ўрганишга эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишидан бирига айланди. Истиқлол йилларида тилимизнинг барча сатҳлари ва уларга оид бирликларни ҳар тарафлама ўрганиш ҳамда тавсифлаш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Айниқса, тилимизнинг грамматик қурилишини, ўзбек тилининг ўзига хос табиатини аниқлашда, хусусан, ёрдамчи сўз туркумларини тавсифлашда муайян ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш» алоҳида таъкидланган. Бу борада инглиз тили предлоглари ва ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг лисоний мавқеи ва нутқий вокеланиш хусусиятларини янги методологик тамойил ва замонавий мезонлар асосида очиб бериш муҳим аҳамият касб этади[1].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б.39.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4797-сон фармони, 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2124-сон, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2909-сон Қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ 4947-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий,иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз тили предлогларини ўрганиш масаласи ўтган асрнинг 60-70 йилларидан буён тилшуносларнинг диққатини ўзига тортиб келмоқда. Унга оид фикрларни хорижлик тилшунос олимлар Б.Н.Аксененко, Л.С.Бархударов, Г.Н.Воронцова, Б.А.Ильиш, И.К.Иртеньева, Т.М.Новицкая, Н.Д.Кунин, А.И.Смирницкий, Б.С.Хаймович, Б.И.Роговская, В.Н.Ярцева, D.C.Bennet, T.Givon, R.Huddlestone, P.Roberts, A.Herskovits ва бошқалар тадқиқотларида кўрамиз. Мавзуни ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотларда предлоглар семантикасини интралингвистик аспектда тадқиқ қилишга йўналтирилган ишлар, жумладан, предлог маъносининг полисемияланиши, метафоризацияланиши, грамматикализацияланишидаги иштирокига бағишланган ишларни кўришимиз мумкин[2].

В.И.Пекар ва А.Б.Черныщев предлоглар семантикасини когнитив нуқтаи назардан таҳлил этишга, моделлаштиришга ҳаракат қилганлар[3]. З.М.Степанова маконий концептларнинг лингвомаданий хусусияти шаклланиши

---

2 Смирницкий А.И. Морфология английского языка. – Москва: Изд-во лит-ры на иностр. языках, 1959. – 443 с.; Воронцова Г. Н. Очерки по грамматике английского языка. – Москва, 1960. –397 с.;Хаймович Б.С., Роговская Б.И. Теоретическая грамматика английского языка. – Москва: Высшая школа, 1967.–298 с., Иртеньева Н.Ф. Теоретическая грамматика английского языка. Синтаксис. – Москва: Высшая школа, 1969.– 144 с.; Бархударов Л.С. Язык и перевод. – Москва, 1975.–С. 18;Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика. – Москва: Наука, 1981.–110 с.; Кунин А.В. Внутренняя форма фразеологических единиц / Слово в грамматике и языке – Москва, 1984.– 312 с.; Huddlestone R. An introduction to English transformational syntax. – London: Longman, 1996. – 239 p.; Bennet D.C. Spartial and Temporal Uses of English Prepositon. – London, 2005. – 344p; Ильиш Б.А. Значение предлогов в современном английском языке, 2008. –172 с.; Roberts P. English Syntax: A Programmed Instruction to Transformational Grammar. – New York: Harcourt, Brace and World, 2008. – 524 p.; Givon T. Syntax and Semantics: Discourse and Syntax. – New York: Academic Press, 2009. – 416 p.; Аксененко Б.Н. Exercises in English Prepositions. – СПб.: СПбГУ, 2012. – 166 р.;Новицкая Т.М. Неологизация в лексике английского языка – Воронеж: ВГУ, 2012. –297 с.

3 Черныщев А.Б. Когнитивное моделирование семантики пространственных и временных непроизводных предлогов с общим значением «движение к конечному объекту»: дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2010. –197 с.; Пекар В.И. Семантика предлогов вертикальной соотнесенности в когнитивном аспекте (на материале английских предлогов *above* и *over* и русского предлога *над*): дисс. ... канд. филол. наук. –Уфа, 2000. –176 с.

предлогининг ролини аниқлаш[4], Р.Э.Киямов эса *after* ва *before* предлогли конструкцияларнинг лексик ва синтактик таҳлили доирасида тадқиқот олиб борилган[5].

Туркий тиллар морфологиясининг ўзига хос хусусиятларига эга эканлигидан келиб чиқиб рус туркийшуносларн томонидан ўзбек тили кўмакчиларининг чуқур ва кенг моҳиятга эгалиги эътироф этилган. Айниқса, кўмакчиларнинг келишик билан қўлланишини тақозо этиши ва ассоциатив муносабат талқини бунга мисолдир. Шунингдек, Н.К.Дмитриев, А.Н.Кононов, Н.А.Баскаков, Ж.Мураталиев, М.И.Хаджилаев ва бошқалар кўмакчиларнинг бошқарувчилик хусусиятига, келишикларга нисбатан грамматик маънони кучлироқ ифодалай олиш имкониятига эгалиги, шунингдек, уларнинг «оралиқ учинчи»лик моҳиятини алоҳида таъкидлаганлар[6]. Тилшунос Р.Расулов кўмакчи табиатида бошқа мустақил ва ёрдамчи сўз туркумининг моҳияти диффуз ҳолатда кўзга ташланса ҳам, контекст ва синтагматик қурилма уларнинг асл лисоний мақомини аниқлашда дистрибутив омил бўлишини таъкидлайди[7].

Ўзбек тилидаги ёрдамчи сўзларни тилшунос А.Пардаев кўмакчиларни диахрон ва синхрон таҳлил қилиб, ҳодиса тарихи бўйича бажарилган тадқиқотларни умумлаштиришга эришган[8].

Тил бирлигининг семантик хусусияти унинг грамматик сатҳдаги ўрни ва нутқдаги вазифасини белгилайди. Шу сабабдан ҳар бир сўз семантик-функционал жиҳатдан ўзига хос ва бошқа лексик бирликлардан фарқланади. Бу фарқларни аниқлаш учун инглиз тили предлоглари ҳамда ўзбек тили соф ва функционал кўмакчиларини семантик ва грамматик жиҳатдан таҳлил қилиш, матндаги номинатив-синтагматик мавқеи, типологик структур мақомини белгилаш, уларни функционал-семантик чоғиштириш тадқиқот вазифалари сифатида белгиланди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИОТ-2012-1.-32. Филология ва таржимашунослик йўналишларида мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари талабалари учун «Таржима назарияси ва амалиёти» фанидан дарслик ва ўқув-услубий комплекс яратиш мавзусидаги инновацион илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

---

[4] Степанова З.М. Роль предлогов в формировании лингвокультурологических особенностей пространственных концептов: дисс. ... канд. филол. наук. –Ульяновск, 2006. – 207 с.

[5] Киямов Р.Э. Лексический и синтаксический анализ конструкций с предлогами after и before в современном английском языке: дисс. ... канд. филол. наук. –Одесса, 1983. – 126 с.

[6] Кононов А.Н. Послелоги в современном узбекском литературном языке. – Ташкент, 1951. – 392 с.; Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. II. Фонетика и морфология, ч. 1. – Москва, 1952. – 486 с.; Мураталиев Ж.М. Послелоги в киргизском языке. – Фрунзе, 1958. – 110 с.; Дмитриев Н.К. Строй тюркских языков. – Москва, 1962. – 156 с.; Хаджилаев М.И. Послелоги и послеложно-именные слова в карачаево-балкарском языке. – Нальчик, 1962. – С. 21.

[7] Расулов Р. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг семантик-грамматик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 5.

[8] Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: Филол. фан. докторлик дис. ... – Тошкент: 2017. – 232 б.

Тадқиқотнинг мақсади ҳозирги замон инглиз тилидаги предлоглар тизими ва ўзбек тили кўмакчиларининг типологик хусусиятлари, лексема қўлланиш меъёрини кўрсатувчи семантик ва контекстуал тавсифини беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз тилида предлогнинг семантик-функционал имкониятлари кенгайишини асослаш;

предлогнинг кўмакчига нисбатан типологик ўзига хослигини ва аксинча, кўмакчининг предлогга нисбатан типологик ўзига хослигини аниқлаш;

предлог ва кўмакчининг типологик умумийликларини кўрсатиш;

инглиз тилидаги предлогнинг категориал моҳиятини очиш;

ўзбек тилидаги кўмакчининг лисоний мақомини тавсифлаш;

инглиз тили предлоглари тизимида модификацион конуниятни далиллаш;

ўзбек тили кўмакчилари қўлланишида тежам қонуни воқеланишини тавсифлаш;

предлог ва кўмакчининг матн ташкил этиш имкониятини баҳолаш;

предлог ва кўмакчига хос контекстуал ўзгарувчанлик фарқларини кўрсатиш;

инглиз тилидаги предлогли конструкцияни ўзбек тилида беришнинг контекстуал асосларини кўрсатиш;

ўзбек тилидаги кўмакчили конструкцияларни инглиз тилида беришнинг контекстуал хусусиятларини тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчилари белгиланган.

Тадқиқот предмети сифатида инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчиларининг номинатив-синтагматик, структур-типологик мақоми ҳамда ўзаро таржимада бериш муаммолари танланган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда қиёсий-типологик, баён, дистрибутив, семантик-стилистик изоҳ, лексик-семантик (мантиқий-семантик), статистик методлар қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз тили предлоглари тизими ва ўзбек тили кўмакчилари орасида структур жиҳатдан типологик ўхшашлик ва фарқли томонлари асосланган;

предлог ва кўмакчиларнинг лисоний мақоми, лисоний қиймати, сўз туркумлари тизимидаги ўрни, уларни лингвистик моделлаштириш асослари ва синтактик хусусиятлари аниқланган;

предлог ва кўмакчилар семантик жиҳатдан номустақил сўзлар сирасидан ўрин олиши, морфологик жиҳатдан ўзгармас сўзлар категорида бўлиши, кўмакчилар эса синтактик жиҳатдан келишиклар билан бир парадигматик тизимга кириши далилланган;

предлог ва кўмакчиларнинг матн ҳосил қилиш имконияти, якка ва таркибли предлогларнинг контекстуал хусусияти ҳамда матний ўзгарувчанлиги асослаб берилган;

предлогли ва кўмакчили қурилмаларни таржима қилишдаги муаммолар мавжудлиги асосланган ва уларнинг ечимига доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз филологияси факультети магистратура ва бакалавриат йўналишлари талабаларига инглиз тили грамматикаси, таржима назарияси ва амалиёти курслари бўйича маъруза ва амалий машғулотларни ташкил этишнинг методик таъминоти яратилган;

филология ва таржимонлик йўналишида мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган «Таржима назарияси ва амалиёти» дарслигида предлог ва кўмакчили қурилмаларнинг таржимада берилиши муаммоларини ҳал этиш юзасидан амалий тавсиялар берилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, муаммонинг аниқ қўйилиши, ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, фактик тил материали ва мутасадди ташкилотлар тавсиясига кўра чоп этилган лугатлар, полиграфик ҳамда электрон нашр маҳсулотларидан олинганлиги ва натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти унда предлог ва кўмакчиларни номинатив-синтагматик ва структур-типологик таҳлил қилишнинг комплекс методикаси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади; тадқиқот натижалари инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчиларини лингвотипологик жиҳатдан ўрганиш бўйича изланиш олиб борувчилар учун муҳим маълумотлар беради ва келгусидаги тадқиқотлар учун илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот жараёнида тўпланган материаллар инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчилари семантик майдонининг сўз туркумларига муносабатини аниқлаш имконини беради. Амалий жиҳати эса тадқиқот натижаларидан инглиз тили грамматикаси, қиёсий типология, таржима назарияси ва амалиёти бўйича назарий ҳамда амалий ўқув-услубий қўлланмалар яратиш тизимининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида предлог ва кўмакчиларнинг номинатив-синтагматик ҳамда типологик хусусиятларини тадқиқ этиш жараёнида олинган натижалар асосида:

ўзбек тили кўмакчиларининг семантик ва функционал вазифалари хусусидаги назарий ва амалий умумлашмаларидан ФА-Ф1-Г041-рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» мавзусидаги (2012-2016) фундаментал лойиҳаси доирасида «Ижтимоий-сиёсий терминларнинг қисқача изоҳли лугати»ни яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги 89-03-1753-сон маълумотномаси). Таклиф этилган материаллар тегишли луғавий бирликларнинг изоҳланишида асос бўлиб хизмат қилган;

инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчиларини амалиётда қўллашга доир назарий фикрлардан ИОТ-2012-1.-32 Филология ва таржимонлик йўналишларида мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари талабалари учун «Таржима назарияси ва амалиёти» фанидан дарслик ва ўқув-услубий комплекс яратиш мавзусидаги (2012-2013) инновацион илмий-

тадқиқот лойиҳасида қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги 89-03-1754-сон маълумотномаси). Натижада таржиманинг грамматик муаммолари бўлимида предлог ва кўмакчиларнинг контекстдаги вазифалари, уларни таржимада беришдаги ўзига хос муаммоларни бартараф этишга хизмат қилган;

инглиз тили предлогларининг контекстдаги вазифаларига оид диссертацияда илгари сурилган илмий хулосалар ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Madaniyat va ma'rifat» телеканали томонидан эфирга узатиладиган «Имтиҳон» интеллектуал кўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Madaniyat va ma'rifat» давлат унитар корхонасининг 2018 йил 10 майдаги 01-15/278-сон маълумотномаси). Натижада предлогларининг контекстдаги вазифаларига доир янги ёндашувлар интеллектуал туркум кўрсатув материалларини тайёрлаш жараёнида асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 20 та илмий-амалий анжуман ва семинарда, жумладан, 4 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 36 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, 1 та мақола хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 141 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари белгиланган, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослик даражаси кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Биринчи боб **«Предлог ва кўмакчини тадқиқ этишнинг назарий асослари»** деб номланган. Маълумки, тилнинг асосий ижтимоий вазифаси алоқа қилиш, хабар бериш ва таъсир этиш воситаси ҳисобланади. Бу вазифалар эса лисоний ва нолисоний воситалар ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга оширилади. Тилнинг ортиқча ёки ёзма шаклида вокеланадиган лисоний бирлик ана шу вазифаларнинг амалга оширишга хизмат қилади. Дунёдаги ҳар бир тил, қайси тил оиласига мансублигидан қатъий назар, бу вазифаларга

боғлик равишда, ўзаро ўхшаш ва фарқли хусусиятга эга. Бу жиҳат лисоний сатҳнинг барча воситаларига бирдай тааллуқли.

Предлог ва кўмакчи фанда маълум даражада тадқиқ этилган. Тилшунослик назариясида предлог муаммосига икки хил қараш мавжуд. Баъзи олимлар предлогларнинг мустақил семантик моҳиятини инкор этишади ва унинг вазифаси соф грамматик маъно ифодалаш билан чегараланганлигини таъкидлашади[9]. Айрим тилшунослар аксинча, предлог лексик, ҳеч бўлмаганда лексик-грамматик маънога эга деб ҳисоблайди[10].

Олд восита бўлган предлог туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили учун хос эмас. Аксинча, «орт восита»ни номлайдиган «кўмакчи» атамасининг қўлланиши қатъийлашган. «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати»да берилишича, «кўмакчилар от ёки отлашган сўзлардан кейин келиб, восита, мақсад, сабаб, вақт, макон каби муносабатларни билдирувчи ёрдамчи сўзлар: *билан, учун, сингари, сайин, қадар* ва б.»[11]. Дарслик ва қўлланмаларда кўмакчига берилган таърифлар бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Кўмакчи якка ҳолда бирор маъно англатмайдиган, от ёки отлашган сўзга бирикиб, гап бўлакларининг ўзаро муносабатини ифодаловчи ёрдамчи сўздир. Улар баъзилари келишик билан, бошқалари келишиксиз ёки айримлари бирор келишик вазифасида қўлланиши мумкин[12].

Биз семантик мазмуни предлог ҳамда кўмакчига хос дейиш тарафдоримиз. Бу ҳолат инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчиларининг бир-бирида семантик жиҳатдан фарқланишига асосланган. Шунингдек, предлог ва кўмакчи киришадиган грамматик муносабат аслида предметлар, объектив борлиқ ҳодиса ва жараёнлари орасидаги реал муносабат ҳамда алоқанинг лисоний ифодаланишидан бошқа нарса эмас. Шунинг учун предлогнинг қуйидаги таърифини биз методологик асос сифатида оламиз: «Предлог – бир предметнинг бошқа предмет, ҳодиса ва ҳолатга муносабатининг категориал маъноси билан характерланадиган сўз туркумидир».

Предлогда лексик ва грамматик маъно чегарасини аниқлаш мушкул. Баъзан лексик маънонинг грамматик маънога айланиши аниқ бўлса, тоҳо сезилмайди. Буни уларни қиёслаганда англаш мумкин. Масалан, *I am going to my brother –акаларникига бормоқчиман* жумласида лексик маъно яққол кўзга ташланса, *the house of my brother – акамнинг уйи* сўз бирикмасида грамматик маъно бўртиб туради. Бу ҳолат бошқа предлоглар ҳам ўзбек тилидаги каби келишик вазифасини бажаради дейишга асос бўлади.

---

[9] Шахматов А.А. Учение о частях речи. – Москва: Учпедгиз, 1952. – 270 с. ; Баркударов Л.С., Штелинг Д.А. Грамматика английского языка. – Москва: Высшая школа, 1973. – 423 с.; Щерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность. Изд. 2-е, стереотипное. – Москва: Едиториал УРСС, 2004. –432 с.

[10] Смирницкий А.И. Морфология английского языка. – Москва: Изд-во лит-ры на иностр. языках, 1959. –440 с.; Виноградов В. В. Учебный пособие для филологов специальностей университетов/ Сост. Ю. А. Белчиков, Предисл. Ю. В. Рождественского. – Москва: Высшая школа, 2008. – 367 с.

[11] Ўзбек тилшунослиги изоҳли луғати. Беш томлик. Учинчи том. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2006. –148 б.

[12] Муталлибов С. Морфология ва лексика терминлари қисқача очерк (XI аср ўзбек ёзувномалари асосида). – Тошкент: ЎзФА нашри, 1959. – 122 б.

Предлог билан шаклланувчи типик компонент – от (исм). Предлог уни ҳоким унсур билан боғлайди. Инглиз тилидаги аксар предлог шғлотинатив тўлдиришлари вазифасини ўтайди (мас., *of phrase* кабилар ўзбек тилидаги қаратқич келишигига мос).

Инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчиларининг лисоний мақоми

Предлог	Кўмакчи
Эркин предлоглар	Соф кўмакчилар
above, across, against, along, among(st), before, behind, below, beside, between, beyond, considering, despite, during, following, inside, like, near, opposite, outside, past, regarding, since, through, throughout, till, toward(s), under, unlike, until, within, without.	*билан, учун, сингари, каби, сайин, сари*
Ясама предлоглар	Вазифадош кўмакчилар
As: such as *For: as for, but for, except for, save for* *From: apart from, aside from, as from, away from* *Of: ahead of, as of, because of, devoid of, exclusive of, inside of, instead of, irrespective of, out of, outside of, regardless of, upwards of, void of* *On: depending on* *To: according to, as to, close to, contrary to, due to, next to, on to, opposite to, owing to, preliminary to, previous to, prior to, relative to, subsequent to, thanks to, up to* *With: along with, together with* *as against, as per, as regards, rather than.*	*устидан, ҳақисида, орқали, тарафдан, ҳақида, хусусида, ост, уст, ич, тепа, орқа* (от), *аввал, кейин, сўнг, илгари, бурун* (равиш), *қараганда, қараб, бўйлаб, яраша, тортиб* (феъл)

Жадвал инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчилари орасида структур жиҳатдан типологик ўхшашлик ва фарқларни кўрсатади.

Тилда бошқа туркум сўзининг предлог ёки кўмакчига лисоний ёки нутқий ўтиш ходисаси ҳам мавжуд. График жиҳатдан бир хил ифодаланувчи сўзлар предлог, боғловчи, равиш, баъзан сифат вазифасига эга бўлиши мумкин.

Предлог	Кўмакчи
Preposition: This was the beginning of his life *as* a cultivator;	Кўмакчи: Чодир сахнасидан бир киз *билан* йигит чикиб ўйин килди
Conjunction: *As* they watched, a flash of fire appeared;	Боғловчи: Икром *билан* Ўзмас Мансурни етаклаб кириб келишди.
Adverb: Whatever he did *before* at home I'm not sure;	Равиш: Кўча *бўйлаб* кетди.
Adjective: She saw him coming in the *opposite* direction.	

Бу, бир томондан, тил сатҳлари орасида узвий алоқадорлик – системавийлик мавжудлигини кўрсатса, иккинчи томондан, тилнинг қулайлик ва тежамлилик қонуни – шакл ва маъно орасидаги асимметрияни далиллайди.

Ўзбек тилида кўмакчи синтактик моҳиятга эга, улар мустақил сўзлар орасидаги тобе муносабатни ифодалашни келишик маъносини аниқлаштириш, тўлдириш вазифаси билан уйғунликда бажаради. Шу билан бирга, кўмакчи келишик билан дистрибутив муносабатда алмаштириш вазифасини ҳам зиммасига олади: *Қаламда ёздим – қалам билан ёздим. I wrote in pencil – I wrote with a pencil. Онамга олдим – онам учун олдим – I took it to my mother – I took it for my mother* каби. Кўмакчининг киноман лексема моҳиятига эгалиги ва бу билан келишикдан фарқланиши маънони аниқ ва тўлиқроқ ифодалаш имконини беради. Шунингдек, адресантнинг интенциясини рўёбга чиқариши ҳам келишикка нисбатан устуворроқ. Бу – кўмакчининг типологик ўзига хослиги.

Предлог семантик ҳажми, унга мувофиқ барқарор валентлик имконияти ва нутқий синтактик алоқасига эга. Масалан, *over* предлогига хос вазифа қуйидаги муносабатларда ўз аксини топади:

Қиёсланг:

1) A cold shiver passed over Katherine; [161]

2) Just for a moment a shiver passed over him; [161]

3) He had been turning over the rugx, and now he took one to the window and looked at it, picking something off it with his fingers. [161]

Предлогнинг пайтни ифодаловчи маъноси асосан, темпорал семантикали отлар билан бирикувида ҳосил бўлади. Инглиз предлоги *over* предлогининг ўзига хос хусусиятларидан бири маъносининг бир қисмини ифодалашидир. Буни *over tea, over dinner* типлардаги бирикувларда кўришимиз мумкин: «*We talked little over the meal*».

Соф сабаб муносабатини ифодаловчи *over* предлогининг луғавий-матний кодификацияланиши унинг қуйидаги имкониятлари билан тасдикланади:

1) *over* қурилмали бирикмаларнинг сабаб семантикали *reason* сўзи билан трансформация қилиш мумкинлиги; 2) *over* предлогининг ёркин ифодаланган сабаб семантикали *because of* бирикмаси билан алмаштириш мумкинлигидир.

Қиёсланг: *1) His elbow's gone all stiff and crooked, he can't use it, he's lost his job at the pit over it → The reason of his having lost his job at the pit is that his elbow's gone all stiff and crooked and he can't use it; 2) Quartermain looked at him quickly over the impatience = Quartermain looked at him quickly because of impatience. [186]*

Айнан шу усул билан бошқа предлогларнинг ҳам семантикасидаги кодификацион принципларини таҳлил қилиш мумкин. Мисоллар: *After* предлогининг модел таркибидаги лисоний (сўз туркумига асосланган) мақомини кўриб чиқдик. Фактик материал сифатида ҳозирги замон инглиз адибларининг бадиий асарларидан танлаб олинган мисоллардан фойдаландик. Таҳлил қилинаётган предлогнинг қўлланилиши 914 ҳолатда қайд қилинди. Танлаб олинган материалларнинг тўлиқлиги янги синтактик ва семантик

моделларнинг ҳажми олдинги материалларда такрорланмаслиги билан белгиланди. Масалан, After +Cl модели (After + Clause). Бу модель бир вариантда кўлланиши билан характерли: *'What a delicious thing is a oyster' remarked Mr. Claypole, after he had wallowed it.* (→ after that;→ after his wallowing it).

Далилларнинг трансформацион тахлили натижасига кўра *after* предлогидан кейин келувчи эргаш гап кўрсатиш олмоши билан алмаштирилиши мумкин. Шундай қилиб, моделда талқин қилинаётган лексема предлогдир. Бу –умум эътироф этилган ҳодиса.

After + Phr модели (After + Phrase). Вариантлари: 1) after + phr ger (41 ҳолатда учрайди ва 56,94% ташкил қилади); 2) after + Phr N (29 ҳолатда учрайди ва, 40,28% ташкил қилади); 3) after + Phr N non prep (2 ҳолатда учрайди ва 2,78% ташкил қилади). Мисоллар: *1) Tim and I always think how wonderful it is that you and Edward should seem so happy <u>after being married so many years</u>* (→ after that); 2) *<u>After five years of efforts</u> on Denny's part she rewarded him by leaving him for another man* (→ after that); 3) *He hurried along by taxi to the house on Fifth Avenue immediately <u>after his Saturday night performance</u>*(→ after that).

Кўринадики, *after* +*Phr* моделининг барча вариантида *after* лексемаси предлог вазифасини бажармоқда.

After + Ger модели (After + Gerund). Мисол: *<u>After eating</u>, the boy began to fall asleep.*(→ after that).

Pstr + after модели (Predicative structure + after). Мисол: *Mostly he doesn't give medicine at all. When Megan went to him, he told her to walk two miles up the mountain every day. She came to us after and has had bottles and bottles of splendid medicine ever since.* (1.→ she came to us afterwards – равиш; 2. → she came to us after she had walked two miles every day →after that - предлог).

After предлогининг грамматик мақомини аниқлаш мақсадида моделлар тахлилининг натижалари қуйидагича ифодаланади:

after предлогининг лисоний мақоми

After лексемаси 90% ҳолатда предлог сифатида қўлланилган, 11 ҳолатда у (6%) предлог ёки равиш сифатида талқин қилиниши мумкин. Бу лексеманинг сифат вазифасида келиши 4% ташкил қилади.

Демак, предлогнинг умумий лисоний моҳиятида семантик ва грамматик моҳият қоришиқ ҳолатда бўлиб, бу уларнинг типологик ўзига хослигини кўрсатади.

Ўзбек тилидаги грамматик шаклларни моделлаштириш уларнинг таркибий хусусиятлари чуқур ва атрофлича ўрганиши билан боғлиқ. Шу боисдан бугунги кунда анъанавий тилшуносликда ҳам, субстанциал ёндашувда ҳам *синтетик грамматик шакллар* ва *аналитик грамматик шакллар, содда аффикслар* ва *қўшма аффикслар* атамалари кенг қўлланилади.

Аналитик форманинг ясалишида ёрдамчи сўз қўшиладиган сўзнинг ўзи ҳам бирор грамматик формада бўлади: *мактаб учун* (*мактаб* бош келишик формасида). Демак, ёрдамчи сўзлар сўзнинг маълум бир формасига бирикиб, аналитик форма ҳосил қилади. Бунда ёрдамчи сўз бириккан сўз якка ҳолда мустақил форма ҳисобланмайди, балки у ёрдамчи сўз билан бирликда яхлит бир формани ҳосил қилади»[13]. Ўзбек тилида аксарият аналитик ва кўплаб синтетик шаклларни мураккаб шакллар сифатида олиб, уларнинг семантикасини ана шу мураккаблик нуқтаи назаридан баҳоламоқ лозим. Кўмакчилар лексемаларни шакллантирганда шакллантирилаётган сўзнинг маълум бир келишик шаклида бўлишини тақозо қилади. Шу боисдан бош келишикдаги отлар билан қўлланувчи кўмакчилар, жўналиш келишигидаги отлар билан қўлланувчи кўмакчилар, чиқиш келишигидаги отлар билан қўлланувчи кўмакчилар фарқланади. Демак, кўмакчилар ҳам от таркибида келишиклар билан яхлитланган мураккаб шакллар бўлиб, уларнинг семантик қиймати ана шу шаклий мураккаблиқдан келтириб чиқарилиши керак. Бу эса анъанавий синтетик ва аналитик грамматик шаклларни шаклий-маъновий тузилиш нуқтаи назаридан узвий таҳлил қилишни кун тартибига қўяди.

Ўзбек тилида кўмакчи қайси келишикдаги сўз билан қўлланиши жиҳатидан муайян барқарор қолипни шакллантирган. Таҳлиллар натижасига кўра, бу қолиплар ва уларни тўлдирувчи кўмакчилар сирасини қуйидагича бериш мумкин:

[Исм$^{\text{бош/қаратқич келишиги}}$+кўмакчи] модели:

билан, учун, каби, сингари, янглиг, сайин, сари, сабабли, орқали, туфайли, чоғли, оша, бўйлаб, узра, ичра, бўйи, чамаси, ҳақда//тўғрида, ҳақида//тўғрисида, ҳолда//ҳўсинда; 1. Барча ёмонлик ўшанинг *боши билан* бирга кетгандек, кипчоқ оғайнилар ила тотувлашдик, кипчокнинг эски адоватлари битди[14]. 2.Боёнларимизнинг бари ҳушёр. *Ақли бўлгани учун* бой бўлган-да[15]. 3. Дунёдаги барча нарсалар *унутилгани каби*, ўша гўдаклик хотираси ҳам бора-бора тонгги тумандай тарқалди-кетди[16]. 4.Ҳилоят кори, *сўққабоши бўлгани сабабли* онасини ишга чиқарарди[17], ва б.

[Исм$^{\text{бош/жўналиш келишиги}}$+кўмакчи] модели:

---

[13] Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 448 б.
[14] Қодирий А. Ўтган кунлар. – Т.: Шарқ, 2004. – 384 б.
[15] Ойбек. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2006. – 280 б.
[16] Абдуллахонов Ж. Орият. – Т.: Ёш гвардия, 1990. – 242 б.
[17] Мирмуҳсин. Миллар ва шўрликлар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 172 б.

тенгми, қадар, кўра, қарши, қараб, қарағанда, қарамасдан/қарамай, яраша, доир, асосан, биноан, мувофиқ, қарата: 1. Бу хол *тушга қадар* давом этди[19]. 2. Мен даранглаган *немисга яраша* иш кўрсатганим йўқ халқ[18]. 3. Иноят, ҳўпайган икки гўр устида Олимжон ака кўчани тўлдирган *халққа қарата* нақ айтди[20].

[Исм$^{\text{чекли позицияда}}$+кўмакчи]модели:

сўнг, кейин, бошқа, бўлак, ташқари, ўзга, бери, буён, нари/нарига, бурун, илгари, олдин, аввал, бошлаб, тортиб: 1. Бувинисахола, Салтанат Маҳкам акаларникига *кириб кетгандан сўнг* гапнинг мағзини чақди[21]. 2. *Икки кундан бери* гоҳ севалаб, гоҳ шиддат билан ёғаётган ёмғир ҳамма ёқни ивитиб юборди[22]. 3. *Шафрикдан илгари* ёшгина бир йигит кирди[23]. Унинг бурушкоқ *маҳсисидан бошлаб* олдий салласига қадар дарвешона эди[24].

Исмларнинг қарийб барчаси кўмакчи билан кўлланганда келишикларнинг бош келишик билан вариациялануви кузатилади. Бош келишикнинг айрим манбада келишиксиз, баъзиларида белгисиз келишик деб юритилиши ва баҳоланиши учраб туради. Бу туркий тиллардаги ноль шакл моҳиятининг мураккаблиги ҳам ўзбек тилидаги кўмакчи ва келишик муносабатининг ўзига хос типологик моҳияти билан белгиланади. Типологик моҳиятни синтактик ўзига хосликлар билан вокеланадиган семантик хусусиятлар белгилайди.

Иккинчи боб «**Предлог ва кўмакчиларнинг семантик хусусиятлари**» деб номланиб, унда предлог ва кўмакчиларнинг категориал маъноларига аниқлик киритилган. Тилшуносликдаги инглиз тили предлоглари ва ўзбек тили кўмакчилари тўғрисидаги фикрларга асосланган ҳолда предлог ва кўмакчилар семантикаси, улар англатган маъноларнинг модификацион хусусияти тўғрисида маълумот берилган. Тўпланган материаллар асосида предлог ва кўмакчи маъноларининг нутқий модификацияси бўйича тегишли хулосага келинган. Манбаларда предлог ёки кўмакчининг умумий грамматик маъноси ҳақида фикр юритилганда олдинги бирликни кейингисига тобеланиши ҳамда турли грамматик маънони ифодалаши назарда тутилади. Улар орасидаги фарқлар чегарасини белгилашда эса маънонинг сифати ва кўлами, бирликларнинг ажралган/ажралмаган шаклда бўлиши эътиборли. Шу асосда предлог ва кўмакчи семантик жиҳатдан мустақил сўздан озиқланса, синтактик жиҳатдан келишик билан бир парадигматик қаторга кира олиши қайд этилади. Категориал маъно муайян предлог ёки кўмакчида хусусийлашган, у умуман предлог ёки кўмакчининг туб моҳияти сифатида ўзининг барқарорлигини сақлаб қолади. Шунга кўра, предлогнинг умумий маъноси у ишгирок этган сўз бирикмасининг компонентлари маъносига боғлик эмаслиги уларни алоҳида

---

[18] Ялпин К. Ҳаёт. – Т.: Ўқитувчи. – 1989. – 224 б.
[19] Ойбек. Олтин водийдан шабадалар. – Фан. – 1976. – 444 б.
[20] Хотамжон Шукур. Кун кўтарик. Роман. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – 383 б.
[21] Файзий Раҳмат. Сен етим эмассан. Киноповесть. – 1962.
[22] Абдулла Қаҳҳор. Сароб. – Шарк. – 1995. – 240 б.
[23] Абдулла Қаҳҳор. Кўлчомир чироқлари. – Адабиёт ва санъат. – 1987. – 244 б.
[24] Ойбек. Муқаддас асарлар тўплами. 19 жилдлик. 6-жилд. Навоий. Роман. – Т.: – «Фан», – 1976.

турқум сифатида қарашга имкон беради. Масалан, *the roof of the house, a novel by O. Wilde, a telegram from my friend, a picture in crayons, the people in question* каби бирикмада предлог аниқланмиш ва аниқловчи ўртасидаги муносабатни кўрсатади; *He came in good time; She worked with diligence; They marched past the gate* гапларида эса ҳолнинг кесимга тобеланиши рўй беради. Ниҳоят, *they sent for the doctor; don't be angry with me; I'll look into the matter; shall you insist upon this?; all arrived at different conclusions* қурилмаларида эса предлог эга тўлдирувчи кўзга ташланади. Айни пайтда предлогнинг ўзи бошқа муносабатни ҳам ифодалайди: *the roof of the house* ёки *a novel by O. Wilde* қурилмасида биринчи предметнинг иккинчисига тегишли эканлиги, *they sent for the doctor* иборасида мақсад муносабати, *they marched past the gate* иборасида эса макон муносабатлари ифодаланмоқда. Шундай қилиб, *we shall return at 7 p. m.* гапида предлог орқали пайт муносабати, *he is secretary to a Minister* жумласида субординация; *show it to them* жумласида гапирувчи шахснинг адресатга муносабати тўлдирувчи вазифасида намоён бўлади.

Синтактик-семантик яхлитликдаги категориал маъно таркибий қисмларнинг мақоми кўмакчида ўзига хос. Масалан, унинг категориал маъносида синтактик вазифанинг кучлилиги грамматик маънонинг асос лексик маъноди қанча узоқлашганлигига боғлиқ. Кўмакчининг грамматик маъносида луғавий маъно излари кўпроқ сақланган бўлса, синтактик вазифа шунчалик кам кўзга ташланади.

Кўмакчилар категориал маъноси таркибидаги асимметрик боғланишни умумлаштирган ҳолда шундай тасвирлаш мумкин:

кўмакчи сўзлар–» нисбий кўмакчилар–» кўмакчилар

семантика —» синтактика

кўмакчилар —» нисбий кўмакчилар–» кўмакчи сўзлар

синтактика —» семантика

Аён бўладики, кўмакчи (кўмакчи вазифасидаги) сўзда кўмакчининг категориал маъносидан ёндош маъноси устуворлашган. Бироқ кўмакчи моҳиятининг ўзгарганлиги билан эмас, балки кўмакчига айланаётган, кўмакчи вазифасига хосланаётган сўзнинг лисоний қиймати кўмакчига тизими томон модификацияланаётганлигидан далолат беради.

Фикрларимизни муайян кўмакчилар мисолида асослашга ҳаракат қиламиз:

Билан кўмакчиси. Бу кўмакчи [Исм$^{бош\ /қаратқич\ келишиги}$+кўмакчи] модели воситасида юзага чиқади, категориал маъноси – «исмни исмга биргалик/восита маъносида тобелаш». Категориал маъно ядросини бошқа келишикда бўлгани каби синтактик вазифа ташкил этиб, унинг мажбурлик шарти – биргалик/восита грамматик маъноси.

Билан кўмакчисининг турли маъносида ушбу ёндош маънонинг модификацияланиш хусусиятини кузатамиз. 1. *Ҳеч ким билан* ҳеч нимани тилашмаеди. Эҳтимол, табиатнинг энг шафқатсиз элчиси *билан* ҳам олишиб

ўтиришни хоҳламагандир[25]. 2. Абдукарим ишини шогирд болага топшириб, *Ҳайдаров билан* ҳужрага қайтди[26]. 3. *У билан турли* нарсалар ҳақида узоқ суҳбатланди[27]. Эртага шаҳарга тушиб, *акам билан* сўзлашиб, ишни битирамиз, дурустми?.

Аслида *биргалик, ҳамкорлик* сўзларининг маъно-моҳиятида тенглик муносабати ётади – бирга ҳаракат қилаётган объект ёки субъектлар тенглаги. Бироқ муносабатга киришаётган сўзларнинг луғавий маъноси «биргалик» ва «ҳамкорлик»ни тенгликсизлик, номутаносиблик кўринишида ҳам воқелантиради. Масалан, Эртага шаҳарга тушиб, акам *билан* сўзлашиб, ишни битирамиз, дурустми? жумласида *билан* кўмакчиси «акамни билан маслаҳатлашиб» маъносида бўлиб, тенгликдан кўра тобелик интенцияси кучайгандек. Шу боисдан *бирга, биргалашиб, бирлашиб, биргаликда, ҳамкорликда* каби мустаҳкамловчи сўзлар иштирок этиши ҳам мумкин: *Мен билан бирга ишлади* каби. Шунга қарамасдан, *билан* кўмакчисининг ушбу маъносида унга хос бошқа маъноларнинг асосини кўрамиз. Яъни ушбу семантик парча кўмакчи семантик моҳиятининг етакчи унсури сифатида намоён бўлади. *Билан* кўмакчиси боғловчи вазифасида келганда, «биргалик» маъноси кучлироқ намоён бўлади: *Икром билан Ўлмас Мансурни етаклаб кириб келишди*. Демак, тобелик категориал маъноси ёндош маънонинг ҳам моҳиятини маълум даражада модификациялайди. Модомики, синтактик алоқа тобелик экан, шунга мувофиқ равишда, грамматик структура мантиқий структурани ҳам ўзгартиргандай туюлади. Бу ҳолатга лисоний имкониятларнинг нолисоний ҳодисалар билан ҳамкорлиги намоён бўладиган контекстуал системанинг ўзига хослиги сабаб бўлади.

Ишнинг учинчи боби **«Предлог ва кўмакчининг контекстдаги вазифалари ҳамда уларни таржима қилиш масалалари»** деб номланган. Предлог предметлар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг белгиларини кўрсатади ҳамда синтактик қурилма шаклланишида иштирок этиб, борлиқ ҳодисалари орасидаги муносабатларни грамматиклаштиради. Бу унинг кўмакчи билан вазифавий жиҳатдан ўхшаш эканлигини билдиради. Ўзбек тилидаги кўмакчидан фарқли равишда инглиз тилида баъзан предлог сўз бирикмасидаги феълнинг отлашган компонентига нисбатан дистант ҳолатда жойлашиб, феълнинг олдида келиши ҳам мумкин ва бу улар орасидаги типологик ўзига хосликлардан ҳисобланади. Инглиз тилидаги қарийб барча предлоглар кўп маъноли саналади. Улар ўзларининг лексик-семантик хусусиятларидан ташқари грамматик нуқтаи назардан, ва шунингдек тасаввурли схематик жиҳатдан мураккабли ҳисобланади. Предлогларнинг маъноси ва уларнинг муносабат доирасини образ ёки схемали тарзда ўрганишга қаратилган кўплаб ишлари, тилшуносларни ҳаракатларини кузатиш мумкин. Жумладан, Б. Потье, Л. Ельмслев, Р.Вагнер, Б.Брендаль ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин. Уларнинг ишларида ҳар бир предлогнинг семантик белгиларини алоҳида

---

[25] Ҳошимов Ўткир. Икки эшик орасида. – Янги аср авлоди. – 2016. – 752 б.
[26] Саид Аҳмад. Жимжитлик. – Ўзбекистон. – 2006. – 280 б.
[27] Обйек. Навоий. – Янги аср авлоди. – 2016. – 468 б.

гуруҳлаш, нутқ вазиятидаги маъно белгиларини аниқлашга қаратилган. Нутқ вазиятига кўра предлогларнинг макон, вақт ва тушунчавий хусусиятларини аниқлашга асосий эътибор қаратилиши таъкидланади.

Лексик концептларнинг функционал муҳим жиҳатларини эътиборга олишда предлогларнинг вазифалари ҳам муҳим саналади. Жумладан, улар макон-геометрик (spatio-geometric parameters) параметрларнинг бош кўрсаткичлари сифатида лексик концептларнинг функционал маълумотларини ҳам камраб олади. Хусусан, макон тушунчаси билан алоқадор маъноларни англатадиган предлоглар сирасига *on* предлогини ҳам киритиш мумкин. Ушбу предлог предметнинг бошқа предмет юқори қисмида жойлашувини англатади. Бунда геометрик параметр контакт саналса, функционал параметр таянч нуқтаси саналади ва лингвистик мазмунини ҳосил қилади. Масалан: *the book is on the table.*

On предлоги маълум воситадаги ҳаракат маъносини англатиш маъносига ҳам эга. Мазкур маънода контакт параметр ва таянч параметрлари муҳим саналмайди: *on the bus, on foot/horseback.* Аммо мазкур маъноларда лексик таянч маъноси on предлогига юклатилади.

On предлоги билан ифодаланадиган таянч маъно хусусиятини қуйидаги мисолда учратишимиз мумкин: The Earth turns on its axis. Ушбу мисолда ҳаракат таянч нуқтаси on its axis бирикмасида ўз ифодасини топган.

On предлоги билан боғлиқ яна бир маъно қарамлик саналади. Масалан: Are you on heroin? She's on the pill. Бунда шахснинг от билан ифодаланган бирор нарсага қарамлиги маъноси юзага келади. Мазкур ҳолда on предлоги ярим лексик хусусиятга эга саналади.

Психологик таянчи маъносини on предлог билан келадиган феълли бирикмалар юзага келтиради. Масалан: You can count/rely on my vote.
Рационал ёки эпистемик таянч маъноларни on account of/on purpose бирикмаларида ўз аксини топади.

On предлоги маъно ва мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, унда нафақат таянч, контакт параметрлари, балки бошқа маъноларни ҳам мажудлигини кузатишимиз мумкин. Хусусан, мазкур предлог ҳолат концептини англатувчи маънога ҳам эга. Масалан: *The injured man was laid on his bed, and at Holmes's request I examined him.*

Кўмакчи мати ташкил этишда лексемани грамматик жиҳатдан шакллантириш ва умумий семантик мундарижасини ташкил этиш, матнинг ташқи структур жиҳатини ҳам белгилашга кўмаклашади. Кўмакчининг ёзма нутқда кенг қўлланиши оғзаки нутқнинг ёзма нутққа нисбатан тежамкорлиги билан ажралиб туриши ва бу кўмакчига вазифадош аффикслларда кўпроқ кўзга ташланиши билан изоҳланади. Кўмакчининг контекстуал ўзгарувчанлиги билан инглиз тилидаги предлогнинг контекстуал ўзгарувчанлиги орасида типологик фарқ мавжуд. Бу фарқ предлогнинг контекст талабига бўйсуниб, семантик-синтактик жиҳатдан ўзгариши ва бунда предлог билан шаклланаётган сўзнинг сифат фарқларига эътибор қаратилишида, ўзбек тилидаги кўмакчининг ўзгариши эса асосан, шаклий жиҳатдан содир бўлишида намоён бўлади.

